

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

---

---

**Қ.Р. РАХМОНОВ**

**ЕР МОНИТОРИНГИ  
фанидан**

**ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2008**

**Раҳмомонов Қ.Р.**

**Ер мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.-2008 й.-155 б.**

Ўқув қўлланма Республикаизда ер мониторинги тизими, унинг мазмунни, моҳияти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда унинг аҳамияти, шу жумладан қишлоқ хўжалик ва шаҳар ерларида мониторинг ўтказишнинг тартиби, вазифалари ҳамда халқ хўжалигидаги аҳамияти ёритилган.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг 5540100 – Геодезия, картография ва кадастр, 5620700 – Ер тузиш ва ер кадастри, 5140900 – Касб таълими (Ер тузиш ва ер кадастри) бакалавр йўналишлари ҳамда 5А620701 – Ер тузиш ва ер кадастри магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар:	<b>М.М. Азизов</b> , «Ўздаверлойиҳа» илмий лойиҳалаш институтининг илмий-техника бош мутахассиси, қ.х.ф.н.
	<b>А. Ахатов</b> , ТИМИ, «Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари» кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

© Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2008 й.

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1998 йилда қабул қилинган “Ер кодекси” ва 2000 йил 23 декабрда қабул қилинган “Ер мониторинги тўғрисидаги Низом ва қонунларни амалга ошириш учун соҳа мутахассисилари томонидан катта ҳажмдаги ишларни бажариш талаб қилинади. Бу вазифани амалга ошириш учун В 621500 “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни юқори малакали бакалаврлар бўлиб етишиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ер мониторинги барча ер фондининг мавжуд холати тўғрисида, уни бахолаш, ўз вақтида сифат ва миқдор ўзгаришларини аниқлаш, ердан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф қилиш бўйича қузатувлар тизимини ўз ичига олади.

“Ер мониторинги асослари” фани республикамизнинг ер фондидан фойдаланишда ернинг мавжуд холатини кузатиб бориш, салбий оқибатларнинг олдини олиш ва башоратлаш ишларини амалга оширишни хамда зарур ахборотлар билан таъминлашни ўрганади.

Мазкур ўқув қўлланма Ер мониторингини ўтказиш тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, уларни амалга оширишда қўлланиладиган асбоблар, текшириш хамда натижаларини тахлил қилиш ва бажарилишини ўрганиш учун ёрдам беради.

Табиий ресурслар орасида ер айниқса катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг маълумотларига асосан мамлакатимизнинг умумий ер майдони 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра 44410,3 минг. га ни ташкил этади. Ушбу майдоннинг 90 фоиздан ортиғи давлат томонидан эгалик қилиш, фойдаланиш, мулк ва ижара асосларида турли қишлоқ ҳамда ноқишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларга, шунингдек фуқароларга бириклирлган. Улар ушбу майдонларда ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида қайд қилинадики, ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур. Бу эса кўп жиҳатдан ернинг энг муҳим хоссалари ва хусусиятлари қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганилганлигига боғлик. Бу энг аввало, ердан оқилона фойдаланишга йўналтирилган, илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибаларга суюнган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 апрелдаги Олий Мажлис Кенгашларида қабул қилинган "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ги, 1993 йил 6 майдаги "Ер солиги тўғрисидаги" ги, 1998 йил 30 августдаги "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги, 2000 йил 31 декабрдаги "Давлат ер кадастрлари тўғрисида" қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида", 1998 йил 31 декабридаги 543-сонли "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида" ги қарорлари ва бошқа қатор меъёрий хужжатлар ерлардан фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган асосий давлат тадбири ҳисобланган ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзgartириб юборди. Натижада ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар доираси кенгайди.

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш – бу иқтисодиёт тармоқларини, жумладан қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юқори маҳсулдорлик билан фойдаланишdir. Ердан тўғри фойдаланиш, замон ва маконда ҳар хил ўсимлик турларининг илмий асосланган кетма-кетлигини жорий этиш, тупроққа экологик "тоза" ишлов бериш усувларини қўллаш, ўғитлаш, қулай агротехник муддатларда амалга ошириш, ўсимликларни

касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш каби муайян элементлар аниқ қонунчилик йўли билан бошқаришни талаб қиласди. Бунда ҳам ер кадастри ер ресурсларидан фойдаланишини бошқаришнинг муҳим ричаги сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва хукуқий тартиби, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ер участкаларини ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ микдорларини асослаш хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг маълумотларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли масалаларини ҳал қилишда, жумладан ер солиғини жорий этиш, ер майдонларига ижара ҳақи микдорларини белгилаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини режалаштириш, ер тузиш ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Республикамизда давлат ер кадастрини юритиш Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг туман, шаҳар, вилоятлар ва қорақалпоғистон Республикасидаги хизмат томонидан амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланишини ташкил этишда, ер тузиш ишларини илмий асосланган ҳолда бажариш ер кадастрининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизнинг суғориладиган худудларида жойлашган қишлоқ хў-

жалик корхоналарида ер тузувчи мутахассис лавозими жорий қилинган. Республикализнинг қатор олий ўқув юртларида ер кадастри ихтисослиги бўйича бакалаврлар ва магистрлар, ўрта маҳсус қасб-хунар коллажларида эса маҳсус билимга эга бўлган мутахассислар тайёрланмоқда.

Ер кадастри илмий фан сифатида ерни иқтисодий тармоқларда ишлаб чиқариш воситаси эканлиги тўғрисидаги таълимотга, ривожланаётган демократик жамиятнинг ер муносабатларига ҳамда дунёни билишнинг диалектик услубиятига асосланади. Ер кадастрини ўрганиш у билан чамбарчас боғланган илмий фанлар (иқтисодиёт назарияси, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ер ҳуқуқи, ер тузиш ва ер муносабатлари, ер тузишнинг назарий асослари, ер тузишни лойихалаш, картография, ер ресурсларини бошқариш, давлат кадастри асослари, ер мониторинги, тупроқшунослик, мелиорация ва бошқалар)нинг назарий, услубий ва амалий ишланмаларига таянади. Ер ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математик, статистик, геодезик, фотограмметрик ва картографик услубларидан фойдаланилади. Бундан ташқари у китобхонларни хорижий мамлакатларда юритилаётган ер кадастрининг илғор тажрибалари билан таништиради.

Ушбу ўқув қўлланма «Ер тузиш ва ер кадастри», «Геодезия, картография ва кадастр», Касбий педагогик таълим: «Ер тузиш ва ер кадастри» йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тайёрланган бўлиб, давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув дастурларига мос ҳолда ёзилган ўқув қўлланма мамлакатимизда давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритишнинг ҳозирдаги мавжуд илғор тажрибаларини ёритади. Ушбу китобдан юқорида қайд қилинган йўналишлар ўқув қўлланмадан «Ер тузиш ва ер кадастри» магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланаётган магистрантлар, соҳанинг илмий ходимлари, лойиха институтлари мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

## **1-боб. ЕР МОНИТОРИНГИННИГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 1. Мониторинг тушунчаси, мазмуни ва вазифалари.**
- 2. Давлат ер мониторингини ўтказиш асослари ва тузилмаси.**
- 3. Ер мониторингини юритиш принциплари**

“Мониторинг” сўзи лотинча бўлиб (monitor-огохлантирувчи, кузатувчи, назоратчи каби маъноларни англатади). Елканли кемада назоратчи матросни шундай деб аташади, у бошқа билан тўқнашиб колмасликни огохлантирувчи бўлган. Инглиз тилидан “monitoring” сузини таржимаси “назоратни олиб бориш, текшириш ва хатто маслаҳат бермоқ, насихат қилмоқ” кабиларни англатади.

Мониторинг бўйича (Найроби, 1979й.) биринчи хукуматлараро кенгашда мониторингни олдиндан тайёрлаб қўйилган дастур билан мувофиқликда маконда ва вақт бўйича маълум мақсадлар билан табиий мухит атрофини бир ёки кўпроқ унсурларини тарорий узатиш тизими деб аташ қабул қилинган.

Мониторинг мақсади-табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва экологик хавф-хатарсизликни бошқаришнинг ахборот билан таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасида хозирги бозор иқтисодиёти шароитида ерлардан фойдаланиш даражасини ошириш ва ердан олинадиган махсулот микдорини кўпайтириш мақсадида ер мониторингини ташкил этиш мухим хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ер мониторинги барча ер фондининг мавжуд холати тўғрисида, уни баҳолаш, ўз вақтида сифат ва микдор ўзгаришларини аниқлаш, ердан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф қилиш бўйича кузатувлар тизимини ўз ичига олади.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга бахо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг холатини ва сифатини қузатиб туриш тизимидан иборат. Ер мониторинги - табий мухит холати мониторингининг асосий Қисмларидан бири бўлиб ва шу билан бирга бошқа табий-мухит мониторингининг асоси бўлиб хисобланади. Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузиш, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилиш органларини ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторинги - ерларда назорат ўтказиш, ерларни химоя қилиш ва ерлардан самарали фойдаланиш учун умумий кузатув ишларини амалга оширувчи тадбир хисобланади. Ер мониторингини ўтказиш, ерларни рекультивация қилиш тартиби ва назорат ўтказиш турлари ва усулларини ягони тизим асосида, давлат томонидан тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Ер мониторингининг мазмуни ер фонди холатини маҳсус ташкил этилган мунтазам кузатишлар (суратга олиш, текшириш ва қидирув)дан қуийдагилар ўзгаришларини аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлашдан иборатdir:

- ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара экология комплексларининг холати;
- ерлар унумдорлигининг ўзгаришига, уларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чўлланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди микдори ўзгариши, тупроқ таркибининг ўзгариши, оҳаклилиги, бегона ўт босганилиги, ерларнинг пестициidlар, оғир металлар, радионулидлар ва бошқа токсик моддалар, саноат, майший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланиши)га таъсир қилувчи жараёнлар (омиллар);
- табиий озукабоп ўтлар қоплами холатининг ўзгариши (ўсимликлар таркиби, тузилиши, хосилдорлиги, сифати ва тўйимлилигининг ўзгариши) билан боғлиқ жараёнлар;

- дарёлар қирғоқларининг, Орол денгизи, кўллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника ишноотларининг холати;
- жарликлар ва упқонлар, упирилишлар, сел оқимлари, зилзилалар, сув тошқинлари "дегишлар", карст, ер чўкиши, бошқа экзоген ва эндоген жараёнлар ва антропотехноген ходисалар туфайли пайдо бўлган жараёнлар;
- ахоли яшаш жойлари, нефть ва газ қазиб олиш, тозалаш иншоотлари, гўнгхоналар, ахлатхоналар ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, захарли химикатлар омборлари, токсик саноат чиқиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошқа саноат обьектлари ерларининг холати.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Хузуридаги гидрометерология Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат биология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идорлари иштирокида амалга оширилади. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер мониторингининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ер фонди холати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш хамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Ер мониторинги узлуксиз олиб бориладиган давлат тадбирлари тизимиға киришини хисобга олган холда биринчи босқичда ташкилий бошқарув ишларини амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Бунда қўйдаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- ер мониторингини илмий-услубий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- хуқуқий ва меъёрий асосий кўрсаткичлар тизимини яратиш;
- ер мониторинги талабларига мос бўлган минтақавий худудларни аниқлаш (иқтисодий, ижтимоий, экологик шароитларни хисобга олган холда);
- ер мониторинги бўйича ахборотлар тизимини ташкилий бошқарув жихатдан аниқлаш;
- ер мониторингини ўтказишнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқиш.

## **2. Давлат ер мониторингини ўтказиш асослари ва тузилмаси**

Ўзбекитон Республикасининг барча ерлари, уларнинг хуқуқий режими, фойдаланиш мақсади ва характеристидан қатъий назар ер мониторингининг обьекти хисобланади.

Мониторинг ерлардан фойдаланиш мақсадини хисобга олган холда олиб борилади ва ер фонди тоифаларга мувофиқ бўлган қуидаги кичик тизимларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги
- аҳоли пунктлари ерлари мониторинги:
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги:
  - табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реакцион мақсадлардаги ерлар мониторинги:
  - тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги:
  - ўрмон фонди ерлари мониторинги:
  - сув фонди ерлари мониторинги:
  - захира ерлар мониторинги.

Худудий қамраб олинишга кўра ерларнинг республика, минтақавий ва махаллий мониторинги амалга оширилади.

Республика мониторинги Ўзбекистон Республикасининг бутун худудини қамраб олади. Махаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара - экология комплексларни қамраб олади.

Ерларнинг холати ўзгаришларнинг йўналиши ва жадаллигига оид бир қанча изчил кузатишларни (даврий, мавсумий, суткалик) тахлил қилиш, олинган кўрсаткичларни ерларнинг сифат холати нормативлари билан таққослаш орқали баҳоланади. Ер холатини баҳолаш кўрсаткичлари муайян давр ёки сана учун хам абсолют, хам нисбий кўрсатгичларда (ўлчов бирлигига) ифодаланади. Ерлар холатини баҳолаш натижаларига кўра тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга ўзгаришлар, айниқса салбий ўзгаришларнинг динамикасини, уларнинг йўналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзуули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова қилинади.

Ер мониторинг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан манбаатдор Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва

идоралар иштирокида ишлаб чиқарилган ва тасдиқланадиган ягона услугуб олиб борилади, бу услугуб ерларнинг холатини тезкор ва мунтазам кузатишларни амалга ошириувчи, тадқиқотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий хисобланади.

Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг холатини кузатувчи корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ер ресурслари бўйича тегишли хизматларга уларнинг ваколатлари доирасида ерларнинг миқдор ва сифатловчи холати тўғрисидаги маълумотларнинг ер мониторинги ва давлат ер кадастри бўйича ахборотлар киритиш учун қўрсатилган ишлар бўйича материалларнинг нусхаларни текин берилади.

Ўз навбатида ер ресурсларини бўйича хизматларни хам Ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг холатини кузатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларнинг сўровига биноан зарур материалларни текин берадилар.

Ер мониторинги ягона классификаторлар, кодлар, метрик бирлик тизими, маълумотларнинг стандарт форматлари ва меъёрий - техник база, координаторлар ва баланддиклар давлат тизимига асосланган турли хил маълумотларнинг бир - бирларига мослиги принципига риоя қилган холда амалга оширилади.

Ер мониторинги ўтказишида зарур ахборотларни олиш учун қуйидагилар қўлланилади.

- масофадан туриб зондлаш (айрокосмик суратга олиш ва кузатишлар);
- ерда суратга олиш ва кузатиш;
- фонд материаллари.

Муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг холатини З та гурух кузатишлар амалга оширилади:

- базавий (ер мониторингини уритишнинг дастлабки босқичида кузатиш обьектларининг хақиқий холатини қайд этувчи бошланғич) кузатишлар;

- даврий (йиллик ва бир йиллик устидаги даврлар бўйича
- тезкор (жорий ўзгаришларни кайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бир йўла бажариладиган кузатишлар.

Экин майдонлари далалар, участкалар, манзара экология комплекслар холатини бевосита кузатишида олинган базавий маълумотлар туманлар, шахарлар қўрғонлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон республикаси бўйича шунингдек алоҳида табиий комплекслар бўйича умумлаштирилади.

Ерларнинг базавий ва даврий мониторинги:

- Қорақалпоғистон Республикаси вилоятларида - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари бошқармалари;
- Тошкент шаҳрида - Узгеодезкадастр бош бошқармасининг кўчмас мулк давлат бошқармаси томонидан юритилади.

Ерларнинг мониторинги базавий ва даврий мониторинги маълумотлардан фойдаланилган холда:

- шахарлар ва қўрғонларда - "Узгеодезкадастр" бош бошқармасининг туман ва шаҳар кўчмас мулк давлат кадастри хизмат қиласи:

- Республиканинг қолган худудларида Ер ресурслари давлат қўмитасининг туман хизматлари томонидан юритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари бошқармалари Тошкент шаҳар кўчмас мулк давлат ер кадастри бошқармаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг худудий органлари билан биргалиқда хар йили 1 февралдан кечиктирмай давлат хокимияти махаллий органларига, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига минтақадаги ерларнинг холати тўғрисида ахборотлар (хисоботлар) тақдим этадилар, ўта хавфли ва йўл қўйилиши чекланган жараёнлар аниқланган тақдирда тезкор маълумотлар юборадилар.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер мониторинги маълумотларидан белгиланган тартибда хақ тўлаган холда фойдаланадилар.

Ер мониторингини юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблағлари хисобига амалга оширилади. Ер мониторинги бўйича давлатлараро ва халқаро дастурларни маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тузадиган битимлари ва шартномаларида белгиланадига тартида амалга оширилади.

### **3. Ер мониторингини юритиш принциплари**

Ер мониторингининг мақсади ва вазифаси уни юритишнинг қуйидаги принципларига амал қиласди:

1. Хар хил маълумотларни таққослаш ва узаро бирикишлик принципи. У ягона классификаторлар, форматлар, нормативли-техникавий базанинг маълумотлари, координат ва баландликнинг Ягона давлат тизими қулланишига асосланади;
2. Мониторинг юритишинг уйгунилигини, технологиялар ва услублар бирлигини назарда тутадиган бирлик принципи;
3. Ер фондидан фойдаланиши ва холати ер мониторингининг маълумотларига хакиката хам мувофик келиши даражасини тавсифлайдиган аниқлик ва ишончлилик принципи;
4. Маълумотларнинг тулалиги принципи – аниқ вазифаларни ечиш учун ахборотлар тула ва етарлича булиши зарур;
5. Ер мониторингини юритишнинг узлуксиз принципи. Ер муносабатларини кайта тузиш жараёнида, мамлакат ер фондининг микдор ва сифат тавсифининг ўзгаришида унинг айрим тоифалари ўзгариши ер ресурсларига антропогенли нагруззканинг кучайиши ер фондини таксимлаш ва таркибида турли хил ўзгаришлар руй беради. Шунинг учун ахборотларни вакти-вакти билан ёки муентазам янгилаб туриш йули билан ер мониторингини юритишнинг узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Колган принциплардан яна қуидагиларни таъкидлаш керакки, кургазмали принципи (харита, атласла, схемалардан фойдаланиш); фойдаланиш хукуки принципи (давлат ёки тијорат сирини ташкил этадиган маълумотлардан ташкари); тежамкорлик ва самарадорлик принципи (ер мониторинги маълумотларини саклаш ва тизимлаштиришни олишни таъминлайдиган усуллар, технологиялар, услубларни куллаш); марказлаштирилган раҳбарлик принципи (Ўзбекистон Республикаси микёсида ягона услуг буйича ягона марказлашган мониторингини ўтказиш).

Ер мониторингини юритиш учун турли хил тасвиirlар, кидиришлар, тафтиш қилиш (топографо-геодезик, тупроқнинг, геоботаникли, агрокимёвий, мелиоративли, шаха курилиши ва бошқалар); маҳсус кузатишлар (тоглардан кучиб йигилган кор уюми, сел тошкини, глиациологли, радиологичли ва бошқалар); космик тасвир ва кузатиш, баландда учадиган самалётлар билан тасвирга тушириш, кузатиш ва кичик авиация воситаси ёрдами билан ер устидан тасвирга олиш ва кузатиш; шунингдек фондли далиллардан фойдаланиш.

Баландда учадиган самалётлар билан космик тасвирга тушириш ва кузатишларнинг асосий вазифаси – глобал ва минтақа даражасида ер холатини билиб олишдир. Кичик авиация ёрдами билан маҳаллий ер мониторинги ва аэрокосмикли ахборотни аниqlаш учун олиб борилади.

Ер фондини масофали зонд билан текшириш 2та асосий асбоб-ускуналар гурухларидан фойдаланиш билан амалга оширилади:

- Видео ва расмахборот (аэрофотоаппаратура, куп зонали сканер ускуналари, радиолакаторлар, телевидение каналлар ва бошқалар);
- Трассали гурухлар асбоблари (спектрометр, СВЧ ва ИК – радиометлар ва бошқалар).

Ер устида кузатиш полигонларда, эталонли участкаларда, агрокосмик ахборотларни ишлаб тайёрлаш учун таянч ахборотларни туплашнинг автоматлаштирилган стационар пунктларида утазилади ва бу маълумотларни

зонд билан масофали текшириш услуги билан олиш мумкин булмаганда ер фондининг холати тугрисида маълумотларни олиш.

Ер устида кузатишларни таъминлайдиган техника воситалари мажмуасига қуидагиларни киритиш мумкин:

- Ер устида харакатланувчи станциялар;
- Автомобиллар шосседа юкори даражада утиши мумкин булган ва тупроқ намлигини ўзгаришини кимёвий тахлили учун жихозланган приборлар, шунингдек ЭХМ ва телеметрияни узатиш;
- Кабул қилиш мосламасини таъминловчи техникавий воситалар мажмуаси.

Архивларда (фондларда) ер мониторингининг материаллари тупланиши ва АИС базаларида (Ўзбекистон ерлари) таксимланиши қуидаги схема буйича амалга оширилади.

Маъмурий туманлар, шаҳарларда ер – сув мулкининг ташки куриниши участкалар, айrim далалар, ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш, барча ер фондининг холатини тавсифлайдиган махаллий мониторингининг дастлабки маълумотлари тупланади.

Ўзбекистон Республикасининг таркибидаги муҳтор республика ва вилоятларда, уларнинг таркибига кирадиган туманлар, шаҳарлар шунингдек, айrim экологик минтақавий тавсифга эга булган обьектлар буйича хамма маълумотларни уз ичига олган маълумотлар шаклланади. Ўзбекистон Республикаси даражасида, республиканинг таркибида муҳтор республика, ландшафт-экология буйича хамма маълумотларни уз ичига олган маълумотлар шаклланади.

Ер мониторингининг шаклланган базаси ва банки фойдаланишлари мумкин:

- Давлат ва махаллий бошқариш органлари;
- Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги булимлари;
- Ердан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасалар;
- Айrim фукаролар;

- Ердан ва табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар ва чет эл хамда халкаро ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Коракалпогистон Республикаси вилоятлар давлат ва муниципаль бошқарув органларига заруриятга караб тезлаштирилган маълумотлар, башоратлар, мавзули хариталар узиб чикадилар ва акдим этадилар хамда хар йили биринчи январгача “Ер ресурслари давлат қўмитаси” га минтақанинг ер фонди холати тугрисида йиллик хисобот тайёрланади. Уз навбатида Ер ресурслари давлат қўмитаси ер мониторинги ахборотларии умумлаштириб заруриятга караб тезкор маълумотлар, илмий башоратлар мавзули хариталар ва атласлар тузиб чикадилар ва манфаатдор вазирликлар хамда идораларга такдим этилади. Ўзбекистон Республикасига кейинги хисобот йили учун хар йили 1 апрелда кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикасининг ер фондининг холати тугрисида хисобот юборади.

## **2-боб. ЕР МОНИТОРИНГИ ТИЗИМИНИ ЮРИТИШ.**

- 1. Ер мониторинги тизими түғрисида тушунча.**
- 2. Ер мониторингининг асосий вазифалари**
- 3. Ер мониторинги тизимини юритиш**

Хозирги даврда табиат ва жамиятнинг муносабати шундай шиддатли даражага етдики чунончи улар сайёрада инсониятнинг ва барча тирик мавжудотнинг яшапи учун хавф туғдиради. Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибати, атроф мухитнинг ифлосланиши аста-секин түпланиб бораётир ва фавқулотда вазият туғдирмокда, яъни ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланиш имкониятини хавф остига қўяди. Бу алоҳида минтақага, шунингдек бутун мамлакатга ва охир-оқибатда бутун инсониятга тегишлидир.

Табиатга келтирилган зарап мутлақо шубҳасиз бўлиб қолди: ўрмонлар кесилаётир, денгиз, дарё, кўллар ва сув омборлари ифлослантирилаётир, хайдаладиган ерлар камаймоқда. Миллионлаб одамлар захарланган хаводан нафас олишга, ифлосланган сувдан ичишга, хавфли озиқ-овқатларни истеъмол қилишга мажбурдирлар. Узоқ умр кўриш ва ахолининг саломатлиги каби кўрсаткичларни аzon қатламигининг қисқариши, ерларни, тупроқнинг, гидросферанинг ифлосланиши. Чиқиндиларнинг хажмининг кўпайиб бориши, ўсимлик ва хайвонлар турларининг йўқолиши билан таққослаш бу жараёнлар ўртасида аниқ алоқа борлигини кўрсатади.

Бизда ўртача умр кўриш 65-ёшни ташкил этса, айни пайтда ривожланган мамлакатларда одамлар уртача 76 йил яшайдилар. Ўртача умр кўриш бўйича ўзбекистонликлар 47-48 ўринни эгаллайдилар.

Ўзбекистон республикасининг худудида энг ўткир экологик вазиятли туманларнинг ер майдони 6,7 млнчани эгаллайди (мамлакат худудининг, 15%). Уларнинг бир қисми экологик холат бўлиб хисобланади улар атроф

мухитнинг кучли ифлосланиши билан тавсифланади ахоли саломатлигига тахдид қиласи ва табиатни ёмонлаштиради.

Баъзида бир баҳолаш бўйича инсон саломатлигининг 20-40% атроф мухитнинг холатига боғлиқ. Табиат ресурсларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида табиатнинг ифлосланишидан жами кўриладиган заар.

Атроф мухитнинг ифлосланиши ахолининг соғлиги учун реал тахдидни намоён этади. 70 миллиондан ортиқ киши йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан 5 ва ундан кўп даражадаги заарланган хаводан нафас оладилар.

Статистик маълумотларга биноан, хавонинг ифлосланиши натижасида, 30-34 ёшдаги шахсларда 41% нафас олиш органлари хасталиги, 16% эндокринной тизимининг хасталиги, 2,5 % онкологик хасталик ва 11% 55-59 ёшдаги шахсларда писанда қилинади.

Шахарлардаги шовқиннинг кўтарилиган даражаси инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Масалан Москва акустик диском фортнинг зонаси уй-жой иморатлари майдонининг 30% ташкил этади. Бу ерда 3 млн. дан ортиқ инсон истиқомат қиласи.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлиб илмий адабиётларда, экологик қашшоқлик, “экологик кескинлик”, “экологик фожия”, “экологик ахлоқ”, “экологик хавфсизлик”, “экологик маълумот” терминлари пайдо бўла бошлиди.

Экологик хавфсизлик муаммоси дунё микёсидаги тавфисиға эга. Атроф мухитнинг ифлосланиши давлат чегарасини билмайди, шунинг учун турли хил давлатлар бу фалокат билан зур бериб курашишда бирлашишга мажбурдирлар. Инсоннинг ерда омон колиши стегиясини аллакачон ишлаб чикилган. Бу баркарор ривожланиш стратегияси деб ном олган унда табиатдан оқилюна фойдаланишга инсон саломатлиги генефонднинг саклаб колишига ёндашув долзарб момент бўлиб хисобланади.

Ер ресурси инсониятнинг муҳим бойликларидан биридир. Улардан кайдаражада фойдаланиш купинча хозирги ва келажак авлоднинг эсономонлигига боғлиқ булади.

Ер муносабатларининг бозор шароитига утишда Ўзбекистон ер фондининг холатида салбий тенденция кескинлашди. Ер ислохотининг бошлангич даврида, ерни каровсиз қолдириш, ифлослантириш, улардан вахшиёна фойдаланиш, тупроқка ишлов бериш технологиясининг бурилиши ва бошқа турли хил истеъмоллар муносабати билан ернинг холатига салбий таъсир курсатди.

Зарур адектотив карорлар кабул қилиш учун турли хил тоифадаги ердан экологик хавф-хатарсиз фойдаланишни, ердан фойдаланишнинг баркарор рагбатлантириш механизмини тартибга солишнинг хукукий баъзасининг йуклиги юридик ва жисмониш шахсларнинг барча даражадаги бошқарув органларининг ер тугрисидаги маълумотлар ахбороти билан буштаъминланганлиги тупроқнинг ишдан чикишига кумаклашади кимматбахоларни кайтариб булмас йукотишга, Эрозиянинг ривожланишига харобалик ва бошқа ходисаларга олиб келади, уларнинг йигиндиси хозирги боскичда Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик таҳдиidi деб карапади.

Атроф мухитнинг барча таркибий кисмларининг юкори даражада ифлосланиши ва биосферанинг холати тугрисида батафсил ахборотнинг зарурлиги атроф мухитда у ёки бу модданинг ифлосланишдан саклаш доимий кузатиш олиб боришга мажбур қиласи. Яъни мониторинг, хусусвн ер мониторинги. Ер фаолияти реализацияси билан бояланган кабул килинган карорлар. Ернинг холати тугрисида мунтазам янгиланадиган маълумотлар ва албатта олдинги қупгина ишончли таҳлил булиши керак. Бошқача суз билан айтганда атроф мухит холати устидан мунтазам мажмуали кузатиш ўтқазиш зарур ва биринчи галда, унинг бош обьекти-ер хисобланади. Бу кузатиш тизими Мониторинг деб аталади.

Ер мониторинги – бу ер фондининг холати ўзгаришини уз вактида аниклаш учун, уларни баҳолаш, прогнозлаш, огохлантириш ва салбий жараёнлар оқибатини бартараф этишни кузатиш тизимиdir.

“Мониторинг” сузи лотинча бўлиб (wonitoz-огохлантирувчи, кузатувчи, назоратчи каби маъноларни англайди.)

Кадимги греклар елканли кемадаги назоратчи матросни шундай деб аташарди ва бошқа кема билан тукнашиб колмасликни огохлантирувчи булган.

Инглиз тилидан “monitoring”сузини таржимаси “назорат олиб бориш, текшириш ва хатто маслаҳат бермок, насиҳат кilmok” кабиларни англатади.

Инсон атрофини ураб олган табиий мухит глобал мониторинг гояси ва Мониторинг термининг узи, 1971или БМТ атроф мухит буйича Стокгольм Конференциясини тайёрлаш ва ўтказиш муносабати билан пайдо булган.

Мониторинг буйича (Найроби 1979й.) биринчи хукуматлараро кенгашида Мониторингни олдиндан тайёрлаб куйилган дастур билан мувофиқликда маконда ва вакт буйича маълум мақсадлар билан табиий мухит атрофини бир ёки бир неча ресурсларни такрорий кузатиш тизими деб аташ кабул килинган.

Мониторинг мақсади-табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва экологик хавф-хатарсизликни бошқаришнинг ахборот билан таъминлашдир.

Негаки ер табиий мухит атрофининг мухим кисмидир, у фазоси, релбедан, иклими, тупроқ катлами, усимлиги, ер ости бойлиги, сувлари билан тавсифланади ва кишлоқ хужалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси хисобланади.Халк хужалигининг барча тармоклари ташкилотлар, корхоналарни жойлаштириш учун фазовий базис ҳамдир. Бинобарин ерни урганиш масаласи, ягона давлат ёндашувини талаб этилади, у муентазам ва мажмуани кузатув асосида оширилиши керак.

Юкорида баён этилганлардан келиб чикиб ер мониторинги бошқа барча табиий ресурслардан кадастрлари ва мониторингларини бөгловчи,



1-расм. Мониторингли текшириш

асосий вазифани бажариши талаб этилади ва давлат макомига эга булиш керак.

Бундай ёндашув ер тугрисида мажмуали ахборот олишни таъминлайди ва кузатиш тизимининг ишлаб туришига энг кам харажатли услугни куллаш имкониятини яратади.

Мониторинг ёрдамида кескин вазиятни аниқлаш, таъсир курсатишнинг жиддий омилларини ва биосферанинг энг мойил таъсир эттирувчи ресурсларини ажратиш мумкин.

Иктисадиётни бошқаришда кишилик жамиятнинг табиат билан узаро таъсирини оптималлашга мулжалланган экологик имконият доирасида антропагенли таъсир курсатишни чегаралаш янада каттарок рол уйнаши керак. Шу муносабат билан мониторинг нинг нихоятда маъсул ресурси бўлиб табиат мухитининг холатини баҳолашдан иборатdir.

Интегралли тавсифлар ва курсаткичларни танлаш, уларни бевосита улчаш бундай баҳолашнинг боскичидир. Чунки бундай улчашнинг натижасида ёки микдор ўзгаришининг тахлили натижасида, табиат мухитнинг холати кандай деган саволга жавоб бериш мумкин.

Йул куиши мумкин булган антропогенли таъсир курсатишни аниқлаш учун мазкур тизимнинг экологик захира тушунчасига асосланади.

Табиий имкониятлардан фойдаланиш шароитида биосферанинг баркарортушунчасига, унинг экологик захираси тушунчасига таяниш зарур.

Бунинг учун куидаги мунтазам харакатларни ечиш зарур:

1. Антропогенли харакатлар мониторингини ( биринчи навбатда, ифлосланишлар) уларнинг геофизик ва экологик изчиллигини ташкиллаштириш.

2. Илмий техника ва иктисадий имкониятларни хисобга олиш билан мониторинг тизими такдим этадиган ахборотлар асосида биосферанинг муаммолари буйича мувофик тадбир ва карорларни танлаш.

3. Халкаро хамкорлик доирасида глобал муаммоларни ечиш йулларини аниқлаш.

Шубҳасиз биосферанинг дунё микёсидаги муаммоларини ечишда турли хил ёндашувлар булиши мумкин: Кайтариб булмайдиган оқибатларни

олдини олиш (масалан, аzon катламини химоя қилишда); Таъсир қилишни сусайтириш (масалан, ифлосланган моддаларни, кислотали ёмгирларни чегарали куциришда); Инсон фаолиятининг янги шароитларга мослашиши (масалан, унчалик ўзгармаган иклим шароитида); Албатта, хар кандай халкаро харакат, аниқ миллий фаолиятга асосланиши зарур.

Ер участасининг кимга тегишли яъни мулкчилик шакллари мақсадли тайёрланиши ва ердан фойдаланишнинг тавсифидан катъий назар мамлакатнинг ер фонди бўлиб хисобланади.

Ер мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ер фонди холатини ўзгаришини уз вактида аниқлаш, уларни баҳолаш, негатив жараёнлар оқибатини огохлантириш ва бартараф этиш буйича тавсифлар ишлаб чикиш ва прогнозлаш;
- Давлатнинг ер кадастри, мониторинглар ва бошқа табиий мухит кадастрларни, табиатдан оқилона фойдаланиш ва ер тузишни ахборот билан таъминлаш;
- Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш учун назорат;
- Ерда руй берадиган салбий жараёнлар булиши мумкин булган оқибатлар ва холатлар тугрисида даъво органлари ва хусусий шахсларни ахборот билан таъминлаш;

Ер Мониторингининг мазмуни мажмуали кузатиш, кидириш, тафтиш қилиш, тасвирга олиш, ўзгаришларни тавсифловчилар ташкил этади:

- Табиий ландшафтлар, маъмурий-худудий тузилиш майдонлари ва чегараси, ердан фойдаланиш, ердорлар (ер-сув мулки, далалар, харобалар, яйловларда тупроқ деградацияси, боткоклик, намланиш, шурланиш, ут босиб кетиши, экинзорларни бутазорлашиб кетиши, тупроқ холати, гумуснинг захираси, кислотанинг микдори. Макро ва Микроресурслар микдори, пестицидлар, оғир металлар, сепилгпн кимёвий унсурлар, радиактив ресурслар ва бошқа такси кодиклар.

- (Кум кучиши, кучки, сел окими, ер силкиниши, узан жараёнлари ва хоказолар келтириб чиқарган жой рельефининг шакллари). Географик тармог рельефи

геологик мухитнинг холати;

-Ерни захини кочириш объектлари салбий таъсирига дучор булган ернинг холати (саноат ва кишлок хужалиги корхоналарининг тозалагич иншоатлари, мелиоратив тизимлар, гунгхона, ўғитларни компостираштириш учун майдон, ахлатхона ёки мойлаш материаллари омборхонаси, ўғитлар суюк ўғитлар омборхоналари, авто транспортларнинг тухташ жойи радио активли физиологик фаол кимёвий чиқиндиларни ишлаб чиқаришни кумиб куйиш).

Ер мониторингининг натижалари маълум давр учун аниқ сифат ва микдор курсаткичларида ифодаланади (масалан гектарига чиқиндининг працентда йукотилиш даражаси ва тупроқ катламининг деградацияси интенсивлиги маълумотлар банкига киритилади).

Ер мониторингининг натижалари буйича оператив дакладлар, хисоботлар, миллий прогнозлар, мавзули хариталар ва бошқа материаллар тузиб чиқилади, улар давлат органларига тақдим этилади.

Ер мониторингининг тузилиши ердан уларни мақсадли таъминланиши буйича маъмурий худудий булиниши билан аниқланади.

Маъмурий худуди чегараси буйича ер мониторингининг тузилиши қуидаги даражага эга:

- Ўзбекистон Республикаси мониторинги;
- Ўзбекистон Республикаси таркибида Коракалпогистон Республикаси, вилоятлари;
- Туманлар ва шахарлар мониторинги;

Ер мониторингининг маъмурий худудий булиниши тузилишининг харбир даражасига мувофик ер тоифаларининг қуидаги булимлари назарда тутилади:

- Ахоли пунктлари ер мониторинги;
- Табиятнинг саклаш, согломлаштириш, рекрацион ва тарихи маданий таъминланиш ер мониторинги;
- Ўрмон фондининг ер мониторинги;
- Сув фондининг ер мониторинги;
- Захира ер мониторинги;

Худудий камраб олишига караб ер мониторинги глобал, миллий, минтақавий ва махаллий (локал) лари билан фаркланади. (2-чизма)




## 2-чизма. Табиат мухит атрофи Мониторингнинг турлар

Миллий мониторинг давлатнинг маҳсус тузилган органлари доирасида амалга оширилади.

Минтақавий мониторинг- бирор бир йирик минтақа доирасида ходиса ва жараёнлар устидан кузатишдир, бу ерда бу жараён ва ходисалар табиий тавсифи буйича ва барча биосфера учун тавсифли булган базали фаннинг антропогенли таъсир курсатиш буйича фаркланади. У Ўзбекистон Республикасининг йирик худудини камраб олади.

Махаллий (локальний) ер мониторинги минтақадан паст булган худуд жараёнида олиб борилади, ердан фойдаланишнинг айрим худудигача ва ландшафтли экологик мажмуалар элементлар тузилишигача.

Ер холатининг ўзгариши тавсифи асосида фоновўй ва импактнўй мониторинг фаркланади.



3-расм. Ер холатининг ўзгариши тавсифидан боғлиқлиқда Мониторингнинг турлари.

Фонли Мониторинги – бу инсоннинг таъсирига дучор булмайдиган ер холатини кузатишдир.

Уни биосфера корхоналарида утказадилар.

Импактли мониторинг- бу жойларда бевосита антропогенли омллар таъсир курсатадиган ерни кузатишидир.

Ер холатини ўзгаришининг келиб чикиши буйича эволюционли (ривожланиш жараёниниг тахмини билан боғлиқ), цикли (суткалик, мавсумий, йиллик ёки тавсифининг табиат ўзгаришининг бошқа даврлари билан bogланган); Фавкулоддаги вазият ( саноат ишлаб чикиши, табиий ва экологик оғат ва халокатлар билан bogланган); антропогенли (инсон фаолияти билан bogланган).



4-расм Мониторинг юритиш вактида аниқланадиган жараёнлар

Ер холатини кузатишни ўтказишнинг даврийлиги ва муддатидан боғлиқликда қуидагиларга булинади; баъзали (ер мониторинг юргизишнинг дастлабки моментида объектлар бошлангич холатини кайд этиш даврийлиги (бир ва ундан қупрок йилдан кейин утказиладиган яъни маълум интерваль билан); ретеспективли (илгариги кузатишларни тарихий таҳлили)) (5-расм)

5-расм. Ўтказишнинг муддатларига караб мониторинг турлари.



Илгари таъкидлаб утганимиздек дунё микёси буйича (фоновому ёки базовому) Мониторингни биосферанинг курик хоналарида кузатиш утказилади. Станциялар тармоги ерда биомларнинг хар бир туридан камраб олиши керак. Мажбурий ва макбул мезонлар буйича хоналар танлаб олинади. Уни геобалли фонового мониторинги ни ўтказиш учун потенциал фойдаланиш мумкин.

1-жадвал

Фоновой Мониторингнинг мақсади учун биосферали курикхона танлаш мезони.

Мажбурий мезонлар	Макбул мезонлар
1. Меъёр. 2000 га кам булмаган курикхона меъёри. Бундай меъёр курикхонанинг “Ядро” таъсир курсатишдан химоялашда ва вокалли таъсир курсатишнинг минимумигача келтиришга имкон беради.	1. Узлаштирилмаган атроф участкаси. Буферли зонанинг мавжуд булиши кафолатланиши керак. Бу мезон кисман корхона меъёри билан мисолда хисобланади. Шунинг учун хам у мажбурий эмас, балки мажбуриятга киритилган.
2.Кулайлик участка маъкул чегарасида киришга унгай булиши керак.Бирок у чегараланган булиши керак, куп микдордаги автомобиллар.	2.Утмишда бузилишларнинг йуклиги табиий экотизм тавсифини таъминлаш зарур. Чунки амалиётда шундай куп корхоналарни таниш кийин, мезони минимум бузилиш хисобланади.
3.Мухофаза. Курикхона абадий хукук химояси остида булиши зарур.	3.Доимий штат(5-кишидан купрок) штатнинг купайиши билан корхонада катта иш хажмига эга булиш имконияти ортади.

4. Штат ходимлар штати доимий булиши зарур. Бу қуйидаги накд хизматлар имкониятини купайтиради: куриклаш, илмий текширувлар; жойни парваришилаш учун; кузатиш ўтказиш вактидаги техникавий ишлар.	4. Жорий илмий иш 3 хил куринишдаги иш назарда тутилади: 1) Ифлосланувчи моддалар мониторинги. 2) Фундаментли экологик текшириш. 3) Мухитга таъсир курсатишни урганиш.
5. Ўсимликлар. Курик хонадаги ўсимликлар тури. Ер шарининг асосий биографик турларга тахминан мувофик булиши зарур.	5. Мавжуд далиллар. Курикхона буйича зарурий маълумотлар: Метегорологик, гидрологик, биологик.

Дунё микёсидаги фоновўй Мониторингни станцияларда кузатиш мажмуали тавсифга эга ва ягона дастур буйича утказилади.

## 2-жадвал

Курукликдаги фоновўх станцияларда ифлосланадиган моддаларнинг таркиби  
устидан кузатиш дастури

ГСМОС муаммоси буйича ваколатли кенгаш томонидан тасдиқланган.

Мухит	Ифлосланадиган моддалар ва курсаткичлар.	Кузатиш тезлиги
Атмосфера (ГМ баландликдан тушадиган катлам)	Коришмаган заррачалар, Атмосферанинг аэрозоллик лойкаланиши, карбон оксиidi, азотнинг углеводоходнинг оксидлари, олtingугурт, сульфатнинг двуоксидлари, 3-4 бенз(а) лирен, ДДТ вабошқалар, хлорорчаниқли бирикмалар кургошин, сумон, кадмий, маргулуш.	Хар суткада

Кор катламининг атмосферали ёгиши	Кургошин, симоб, кадмий маргумуш, 3,4-бенз (а) пирен, ДДТ ва бошқалар. Хлор органли бирикмалар, ДН, ВМО дастури буйича анионлар ва катионлар.	Ёгингарчилик: ойнинг дакадоси учун интегралли синаш куруқ ёгини ой учун интегралли синаш. Кор қоплами: кор қопламининг унинг тузишидан олдин барча чукурлигига интегралли синаш
Ер ости сувларининг юзакилиги. Доннёе катламида ва каттик жисм зарралари суюклик ёки газ.	Кургошин, симоб, металъ симоб, маргимуш 3,4-бен(а) пирен, ДДТ ва бошқа хлорорганиқли бирикмалар, биогенли унсурлар.,	Сув ва каттиқ жисм 3 арралари муаллок, керакли суюклик ёки газ: гидрологик даврларининг тавсифида донли катлам йилида бир марта
Тупроқ	Кургошин, симоб, маргумуш, 3,4-бен(а) пиренли коришмалар биогенли унсурлар	Йилида бир марта
Биологик объектлар	Кургошин, симоб, маргумуш 3,4-бен(а) пиренли коришмалар, биогенли унсурлар.	Тезлик биологик объектга боғлиқ.

2000 йилгача ер мониторинги буйича маълумотларни умуман тирик ва кординациялашни юргизиш Ўзбекистон Республикасининг ер сиёсати буйича манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб қилиш билан давлат қўмитаси зиммасига юклатилган улар жумласига қўйидагилар киритилган:

-Ўзбекистон Республикаси табиий ресурслари ва табиатни муҳофаза қилиш буйича вазирлиги;

-Гидрометрология ва атроф мухитнинг мониторинги буйича Ўзбекистоннинг федерал хизмати;

-Ўзбекистон республикасининг табиий ресурслари ва табиат муҳитини муҳофаза қилиш буйича вазирлиги сув хужалиги давлат қўмитаси;

-Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва курилиш масалалари буйича давлат қўмитаси.

-Кишлок хужалигига тайинланган ердан фойдаланишнинг; агрокимёвий кузатишлар, кишлок хужалиги ва ер сув мулки мелиоратив тизимлар мониторингининг кисмида Ўзбекистон кишлок хужалик вазирлиги;

-Геологик мухитнинг мониторинг кисмида ер ости бойликларидан фойдаланиш ва геология Ўзбекистон қўмитаси;

Кадастри топографик харита ва режаларни янгилаш ва вужудга келтириш кисмида Ўзбекистоннимнг согликни саклаш вазирлиги;

-Ер мониторингини илмий таъмнлаш ва эброэкологик текширишларни ўтказиш кисмида Ўзбекистоннинг кишлок хужалик фанлари академияси.

Ер мониторингининг мақсади ва вазифаси, уни юритишнинг қўйидаги принциплари писандада килинади:

1. Хар хил маълумотларни таққослаш ва узаро бирга кушила олишлик мажмуи.

У ягона классификаторлар, форматлар, нормативли-техникавий базанинг маълумотлари, координат ва баландликнинг ягона давлат тизими кулланишига асосланади.

2. Мониторинг юритишнинг уйгунилиги, технологиялар ва услублар бирлигини назарда тутадиган бирлик принципи.

3. Ер фондидан фойдаланиши ва холати ер мониторингининг маълумотларига хакикатдан хам мувофик қилиш даражаси ни тавсифлайдиган аниқлик ва ишончлилик принципи.

4. Маълумотларнинг тулалик принципи аниқ вазифаларни ечиш учун ахборотлар тула ва етарлича булиши зарур.

5. Ер мониторингини юритишнинг узлуксиз принципи. Ер муносабатларини кайта тузиш жараёнида, мамлакат ер фондининг микдор ва сифат тавсифининг ўзгаришида унинг айрим тоифалари ўзгариши ер ресурсларига антропогенли нагруззканинг кучайиши ер фондининг таксимлаш ва таркибида турли хил ўзгаришлар руй беради. Шунинг учун ахборотларни вакти вакти билан ёки мнтазил янгилаб туриш йули билан ер мониторингин юритишнинг узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Колган принциплардан яна қуидагиларни таъкидлаш керак: кургазмали принципи (харита, атласлар, схемалардан фойдаланиш); фойдаланиш хукуки принципи (давлат ёки тижорат сирини ташкил этадиган маълумотлардан ташкари) тежамкорлик ва самарадорли кпринципи (ер мониторинги маълумотларини саклашва усулар, технологиялар, услубларни куллаш); марказлаштирилган раҳбарлик принципи (Ўзбекистон Республикаси масштабида ягона услугуб буйича ва ягона марказдан мониторингни узатиш).

Ер мониторингин юритиш учун турли хил тавсифлар кидиришлар, тафтиш қилиш (топографо-геодезияли, тупроқли, геобатаниқли, агрокимёвий, мелиоративли, шахар курилиши ва бошқалар) махсус кузатишлар (тогларданкучиб тушадиган коришма, сел тошкини гляциологли радиологияли ва бошқалар (космик тасвир ва кузатиш, баландда учадиган самалётлар билан тасвирга тушириш ва қузатиш вакичик авиокия воситаси ёрдами билан ер усти ва тасвирга олиш ва кузатиш: Шунингдек фондли далиллардан фойдаланиш билан.

Баландда учадиган самалётлар билан космик тасвирга тушириш ва қузатишаларнинг асоси йвазифаси-глобал ва минтақа даражасида ер

холатини билиб олишдир. Кичик авиаация ёрдами билан махаллий ер мониторинги ва аэрокосмикли ахборотни аниқлаш учун олиб борилади.

Ер фондини масофали зонд билан текшириш иккита асосий приборлар ва ускуналар гурухларидан фойдаланиш билан амалга оширилади:

Видео ва расм ахборот (аэро фото аппаратура, куп зонали сканируючие ускуналар, радиолокаторлар ТВ-каналлари ва бошқалар) приборлари;

Трассали гурухлар приборлари (спектрометрлар, СВЧ ва ИК-радиометрлар ва бошқалар).

Ер устида кузатиш полигонларда, эталонли участкаларда, аэрокосмикли ахборотларни тайёрлаш учун таянч ахборотларни туплашнинг автоматлаштирилган стационарли пунктларида утказилади, ва бу маълумотларни зонд билан масофали текшириш услуби билан олиш мумкин булмаганда ер фондининг холати тугрисида маълумотларни олиш.

Ер устида кузатишларни таъминлайдиган техника воситалари мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ер устида силжиб турувчи станциялар;
- Автомобиллар трассасида юкори даражада утиш мумкин булган ва тупроқ намлигини ўзгариши кимёвий тахлили учун жихозланган приборлари шунингдек микро ЭХМ вамелеметрияни узатиш
- кабул қилиш мосламасини таъминловчи техникавий воситалар мажмуаси.

Архивларда (фондларда) ер мониторингининг материаллари тупланиши ва АИС базаларида (Ўзбекистон ери) таксимланиши қуйидаги схема буйича амалга оширилади.

Маъмурий туманлар, шахарларда ер сув мулкининг ташки қуриниши участкалар, айрим далалар, ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш, барча ер фондининг холатин тавсифлайдиган махаллий мониторингининг дастлабки маълумотлари тупланади.

Ўзбекистон республикасининг таркибидаги муҳтор республика ва вилоятларда, уларнинг таркибиға кирадиган туманлар, шахарлар шунингдек

айрим экологик миңтақавий тавсифга эга болған объектлар буйича хамма маълумотларни уъ ичига олган маълумотлар шаклланади.

Ер мониторингининг шаклланган базаси ва банкидан фойдаланишлари мумкин:

- давлат ва муниципал бошқариш органлари;
- ер ресурслари ва ер тузиш буйича Ўзбекистон Республикаси қўмитаси; Шунингдек унинг жойлардаги органлари;
- Ердан фойдаланиш билан бояланган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасалар идоралари;
- айрим фукаролар;
- ердан ва табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилтлар ва чет эл ва халкаро органлари.

Ерни замон билан масофали текширишнинг иктисодий самарадорлик хисоби жуда баланд. Масалан, баъзи маълумотларга кура гидрометеорологик таъминлашда йулдош ахборотидан фойдаланиш иктисодий харажат ва зарарни олдини олиш суммаси уни олишдаги харажатлардан 10-15 баробар ошиб тушади.

Узок шимол шароитида тупроқ қопламининг мониторинги учун зонд билан масофали текширишни тадбик этиш қўйидаги асосий табиий обьектларини билиб олишни таъминлайди.

Сканерли тасвирлар буйича лишайниклар ва яшил бутазорлар хисобланади: спектрозонали аэрорасмга олиш буйича япрокли ўрмонлар, криогенга оид жараёнлар ва уларга хос рельефнинг шакллари дешифровка килинади; радиолакационли тасвир сув обьектлари якинидаги ерлар сув босиш даражаси тугрисида, боткоклар ва сийрак ўрмонлар боткокланишининг жойлашиши тугрисида ахборотлар беради. Шу билан бирга масофали мониторингнинг йулдошдан хаводан ерда олинадигн турли хил маълумотлар уртасидаги корреляциялар излашга асосланган методологияси ерда текширилган маълумотлар билан таққослаш буйича ахборотларнинг бир кисми йуколиши назарда тутилади.

Шунинг учун ерлар мониторингининг энг мақсадга мувофик ва самаралиси бўлиб, у уч хил даражади тупланган: ердан (маълум вактда тупланган ахборотлар), хаводан (енгил самолётларда учиб мунтазам разведка олиб бориш ёрдами билан) ва космосдан (йулдош тизимлари билан ракамни маълумотлар ёки визуаль узайкичлар ёрдамида) маълумотлар бир вактда фойдаланиш киритилади.

Ерлар холатини тезкорлик билан баҳолаш учун техник воситалар мажмуаси қўйидаги вазифаларни ечади:

- энергетика, саноат ва алока тизимлари табиий комплексларини уларнинг экологик ва функционал холатини баҳолаш мақсадида ерлар худудини ер устида ва масофали тафтиш қилишни тезкорлик билан ўтказиш;
- картографик ишларни таъминлаш учун аэросурат ўтказиш;

- ўрмон ва сув фонди объектлари, худудлар урбанизациялашуви, салбий жараёнлари геологик ва гидрогеологик жараёнлар мониторингини амалга ошириш.

- табиий ва техноген тавсифининг фавкулотдаги вазиятлар оқибатлари ва масштабларини баҳолаш ва билиб олиш;

- давлат ер кадастри ва ерлардан фойдаланиш хамда муҳофаза қилишнинг давлат назоратини ахборот билан таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси давлат хокимият органлари бошқарув карорларини кабул қилиш мақсадида табиий ва хужалик худудлари холати тугрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш:

- автоматлаштирилган маълумотлар базаларини янгилаш ва яратиш;

Ифлосланиш манбалари ва табиат мухити атрофининг холатини назорат қилишни инструментал ва ахборот билан таъминлаш буйича ишлар ривожи тугрисидаги карор билан мувофиқликда, ифлосланиш манбалари табиат мухити атрофлари холати устидан худудий ва махаллий даражалари ЕГСЭМ 1999-1997 ва 2000 йил кузатишларнинг учадиган типловой автоматлаштирилган тармогини инструментал таъминлашни яратиш (ТАСНОС) дастури ишлаб чикилган.

ЕГСЭМ ишлаб туришини таъминлаш ва ташкил қилиш экологик мониторинг-мувофикни илмий базасини яратишни талаб қиласида бинобарин илмий ишларни кенг доирадаги муаммолар буйича ўтказишни хам.

Экологик мониторингнинг илмий базаси «Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги» дастури доирасида яратилади. Илмий текшириш ишларининг бирламчилигини аниқлаш ва режалаштириш пайтида ЕГСЭМ яратишда талай капитал қурилиш маблаги талаб қиласида. У бир андозали лойихалар ва карорлардан максимал фойдаланиш хисобидан, техник воситалар унификацияси, ЕГСЭМ ишлаб туришини таъминлашнинг хар хил турлари ва услуги фойдаланиш харажатларни жиддий камайишга олиб кетиши мумкин булади.

Экологик мониторингнинг минтақа тизимларини ташкиллатиришга ягона илмий услубий ёндошувни шакллантириш учун, экологик мониторингнинг худдий тизимлари ривожланиши, табиат муҳофаза фаолиятини бошқариш принципларини амалга ишлаб чикиш учун вилоятлар худудида экспериментал минтақа тизимларини яратиш буйича катта хажмли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг олдинги тартибда худудий даражада кузатишнинг турлича идоралар тизимида олинадиган экологик маълумотлар тахлили ва туплашнинг ахборот тизимлари ишлаб туришининг меъёрий асоси ишлаб чиқилмоқда.

Кузатишнинг барча йуналишлари буйича ЕГСЭМ реализация қилиш пайтида давлат ва идора хизмати хамкорлигини ташкил қилиш энг муракаб ва энг кам олга силжиган вазифалардан иборатdir. Факат айрим минтақаларда кузатиш хизматининг давлат ва нодавлат минтақаси даражасидаги вилоятларда ЕГСЭМ да иштирок этиш регламентация таъминловчи меъёрий хужжатлар йигимини яратиш бошланган. Ишларнинг бу йуналиши интенсификацияни талаб қиласи, чунки хозирги вактда федерал даражада ва федерацияси субъектлари даражасидаги экологик мониторингнинг тизимлари интеграцияси масаласи энг долзарб масала бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ЕГСЭМ яратиш буйича ишларнинг муҳим таркибий кисми атроф мухитга ва био антропоген таъсир курсатишнинг манбалари мониторингини ташкил этишdir.

Антропоген таъсир курсатиш манбалари мониторинги тизими атроф мухитга ифлослантирувчи моддалар тушишини тафсифлайдиган курсаткичлар тугрисида миқдорий маълумотлар олишга мулжалланган.

Антропоген таъсир курсатиш манбалар холатини назорат қилиш ва кузатиш воситалари эксплуатацияси ва яратиш учун масъулият табиатдан фойдаланувчилар хаммасига юклатилади. Табиатдан фойдаланувчилар кузатиш воситаларини эксплуатация қилишнинг тугрилигини Ўзбекистон

табиат вазирлигининг худуд органлари назорат қиладилар. Бир бирининг хукук ва бурчи, шунингдек ЕГСЭМ билан табиатдан фойдаланувчилар узаро таъсир тартиби (назорат ва кузатиш қилишда таъсир курсатиши ) «ЕГСЭМ тугрисидаги низом» ва вилоятлар, туманлар худудларида экологик мониторингни юритиш тугрисидаги низомлар билан регламентация килинади. ЕГСЭМ катор тажриба худудларида шундай низомлар ишлаб чикилган.

### **«Ўзбекистон ери » автоматлаштирилган ахборот тизими (А А Т)**

Ер устидаги турли хил кузатишлар (топографо-геодезик, тупроқ, мелиоратив ва бошк.) ва зонд билан масофали текшириш (космик ва аэротасвир), архив маълумотларидан фойдаланиб тафтиш ўтказиш ёрдами билан турли хил минтақа маълумотлар банки шаклланади.

Узбекитон Республикаси ерлар мониторингининг федерал дастури «Ерлар мониторингининг ахборот базаси» булимида Ўзбекистон ерлари атласини тайёрлаш ва тузиб чикишга шунингдек «Ўзбекистон ерини» автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) тадбик этиш ва ишлаб чикишга алоҳида урин ажратилган.

«Ўзбекистон ери» ААТ Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари федерация субъектлари, махаллий уз-узини бошқариш органларини ахборот билан таъминлаш мақсадида тузилади «Ўзбекистон ери» ААТ марказлаштириш белгиси буйича курилган уз ичига бош марказ (федерал даражаси), минтақа марказлари (федерация субъектлари даражаси), махаллий марказлар (шахар, туман-муниципал ташкил топиши).

Ерлар мониторинги буйича ишлар янада ривожланиши учун ерлар мониторингининг техника ва ахборот базаларини яратиш зарур; Ўзбекистон худудида боскичма боскич ерлар мониторингини юритишни ташкил этиш; экологик мониторинг тизими таркибида бошқа вазирликлар ва идоралар узаро алокадорлигига ерлар холатини тавсифлайдиган (тупроқ хосилдорлигининг камайиши, ерлар мелиоративлиги бартараф этилмаганлиги, радионукталар ерлар ифлосланиш, техногенни ифлосланиш

ва ерларнинг бузилиши салбий геологик жараёнлар ерга харобалаштирувчи таъсир курсатиш ва бошк.) салбий жараёнлар ахборотдан тула даражада фойдаланиб куп даражали ахборот тизимини яратиш.

## **Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда ер мониторингининг ўрни.**

Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини етакчи тармоқларидан ҳисобланган агросаноат комплекси эҳтиёжлари учун ажратилган ёки ана шу мақсадлар учун белгилаб қўйилган ерлардан самарали фойдаланишни бошқариш умумдавлат манфаатларидан келиб чиқадиган муаммолардан ҳисобланади.

Маълумки, агросаноат комплексида меҳнат унумдорлиги ерларни маҳсулдорлигига боғлиқ бўлгани учун бу соҳага бўлган эътибор халқ хўжалиги аҳамиятига эга.

Миллий хўжаликнинг аграр сектори жуда катта ер ресурслари салоҳиятига эга. Аграр сектор таркибидаги ер эгаликларида 29,7 млн га ёки жами ер ресурслари майдонининг 61% ташкил этади. қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилган ерларнинг 27,4 млн гектари ёки 92,1 % қишлоқ хўжалик ер турларига киради. Шундан 4,2 млн гектари хайдалма ерлар, 370 минг га кўп йиллик дарахтзорлар, 22,8 млн га яйлов ва пичанзорлар, 72 минг га партов ерлардан иборат. Жами сугориладиган ерлар 4,1 млн га ёки қишлоқ хўжалик ерларни 9,5 % ни ташкил этган ҳолда республикада этиштириладиган аграр сектор маҳсулотларини 90 % дан ортиғи айнан шу ерлар хиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шакллангандан буён ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш масаласида жуда катта туб бурилишлар рўй берди. Ўтган 7 йил мобайнида мамлакат ер ресурслари тоифаларида деярли катта ўзгаришлар бўлмасада, бозор мунособатларига ўтиш жараённида иқтисодиёт тараққиётига

мос ҳолда кўп шаклли ер эгалиги ва ердан фойдаланиш тизимиға сабитқадамлик билан ўтиш босқичлари амалга оширилмоқда.

1992 йилдан ҳозирги давргача бўлган муддатда дехқон - фермер хўжаликлари сони ва уларга мос равишда экин майдонлари ажратиш жараёни давом этиб келмоқда. Ҳозирги даврга келиб 21, 5 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга бириктирилган ер майдони 470 минг гектарни ташкил қиласиди. Дехқон - фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш фаолиятида ва уларнинг йўналишида туб бурилишни “Фермер хўжалиги тўғрисида” (1998 й.) ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида” ги (1998 й.) қонунлари Олий Мажлис сессиясида қабул қилиниши ҳамда уларни ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани бўлди. 1998 йил июл ойидаги Олий Мажлисда қабул қилинган “қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат уюшмаси) тўғрисида” ги қонун ҳам ер ресурсларидан самарали фойдаланишда янгича босқични бошлаб берди.

Республикамиз ҳалқ хўжалигини равнақига хусусан унинг аграр сектордаги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш муаммосини ҳал қилишда ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш учун унинг ҳолатини кузатиб бориш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатдан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати амалга оширилишини ахборот билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида” ги (2000 й.) низоми мухим аҳамият касб этади.

Ер мониторинги - табиий муҳит ҳолати мониторингининг асосий қисмларидан бири бўлиб ва шу билан бирга бошқа табиий-муҳит мониторингининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузиш, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилиш органларини ахборот билан таъминлаш

ер мониторинги асосида амалга оширилади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни зарур маълумотлар билан таъминлаш ер кадастри ва ер мониторинги аҳамиятини орттиради.

Тупроқнинг бонитет балини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланган гумус қатламини емирилиш жараёни ер ресурсларидан самарали фойдаланишда катта салбий таъсир этиб келмокда.

Ўтган 20 йил мобайнида тупроқ гумус қатлами учдан бир қисмга камайгани кузатилган. Табиий яйловларнинг катта қисми маданий -техник тадбирларни ўтказиш эхтиёжига эга. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида тупроқларнинг унумдорлиги, ерларни ҳосилдорлигини ошириш, махсулот хажмини кўпайиши ва унинг ўлчов бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтиришда

### **Ер мониторингини ўтказишнинг асосий тамойиллари.**

Ер мониторингининг мақсади ва вазифаси уни юритишнинг қуидаги тамойилларига амал қиласди:

1. Ҳар хил маълумотларни таққослаш ва ўзаро бирикишлик тамойили. У ягона классификаторлар, форматлар, нормативли-техникавий базанинг маълумотлари, координата ва баландликнинг ягона давлат тизими кўлланишига асосланади;
2. Ер фонди ва ҳолати ер мониторингининг маълумотларига ҳақиқатан ҳам мувофиқ келиши тамойили;
3. Маълумотларнинг тўлалиги тамойили;
4. Ер мониторингини юритишнинг узлуксизлиги тамойили. Ер муносабатларини қайта тузиш жараёнида, мамлакат ер фондининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришида унинг айрим тоифалари ўзгариши ер ресурсларига антропогенли таъсирнинг кучайиши ер фондини тақсимлаш ва таркибида турли хил ўзгаришлар рўй беради. Шунинг учун ахборотларни

вақти-вақти билан еки мунтазам янгилаң туриш йўли билан ер мониторингини юритишнинг узлуксизлигини тъминлаш.

қолган тамойиллардан яна қуидагиларни таъкидлаш керакки, кўргазмали тамойили (харита, атласла, схемалардан фойдаланиш); фойдаланиш ҳуқуқи тамойили (давлат ёки тижорат сирини ташкил этадиган маълумотлардан ташқари); тежамкорлик ва самарадорлик тамойили (ер мониторинги маълумотларини сақлаш ва тизимлаштиришни тъминлайдиган усуллар, технологиялар, услугларни қўллаш); марказлаштирилган раҳбарлик тамойили (Ўзбекистон Республикаси миқёсида ягона услуг бўйича ягона марказлашган мониторингини ўтказиш). Ер мониторингини юритиш учун турли хил тасвирлар, қидиришлар, тафтиш қилиш (топографо-геодезик, тупроқнинг, геоботаниқли, агрокимёвий, мелиоративли, шахта қурилиши ва бошқалар); маҳсус кузатишлар (тоғлардан кўчиб йиғилган қор уюми, сел тошқини, глияциологи, радиологичли ва бошқалар); космик тасвир ва кузатиш, баландда учадиган самолётлар билан тасвирга тушириш, кузатиш ва кичик авиация воситаси ёрдами билан ер устидан тасвирга олиш ва кузатиш; шунингдек фондли далиллардан фойдаланилади. Ер фондини масофали зонд билан текшириш 2та асосий асбоб-ускуналар гурухларидан фойдаланиш билан амалга оширилади:

1. Видео ва расм ахборот (аэрофотоаппаратура, кўп зонали сканер ускуналари, радиолакаторлар, телевидение каналлар ва бошқалар); 2. Трассали гурухлар асбоблари (спектрометр, СВЧ ва ИК – радиометлар ва бошқалар). Ер мониторингининг шаклланган базаси ва банкидан фойдаланишлари мумкин: 1. Давлат ва маҳаллий бошқариш органлари; 2. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари;

3. Ердан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасалар;

4. Айрим фуқаролар;

5. Ердан ва табиатдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, атроф

мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар ва чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар давлат ва муниципиал бошқарув органларига заруриятга қараб тезлаштирилган маълумотлар, башоратлар, мавзули хариталар тузиб чиқадилар ва тақдим этадилар ҳамда ҳар йили биринчи январгача “Ер ресурслари давлат қўмитаси” га минтақанинг ер фонди ҳолати тўғрисида йиллик ҳисобот тайёрланади. Ўз навбатида Ер ресурслари давлат қўмитаси ер мониторинги ахборотларини умумлаштириб заруриятга қараб тезкор маълумотлар, илмий башоратлар мавзули хариталар ва атласларни тузиб, манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикасига кейинги ҳисобот йили учун ҳар йили 1 апрелда кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикасининг ер фондининг ҳолати тўғрисида ҳисобот юборади.

## **Ер мониторингининг таркибий қисмлари.**

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ерлардан фойдаланиш даражасини ошириш ва ердан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш мақсадида ер мониторингини ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ер мониторинги барча ер фондининг мавжуд ҳолати тўғрисида, уни баҳолаш, ўз вақтида сифат ва миқдор ўзгаришларини аниқлаш, ердан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф қилиш бўйича кузатувлар тизимини ўз ичига олади.

Баландда учадиган самолётлар билан космик тасвирга тушириш ва кузатишларнинг асосий вазифаси – глобал ва минтақа даражасида ер ҳолатини билиб олишdir. Кичик авиация ёрдами билан маҳаллий ер мониторинги ва аэрокосмикли ахборотни аниқлаш учун олиб борилади.

Ер мониторингининг тузилиши ердан мақсадли фойдаланишни тамиллаш бўйича маъмурий ҳудудий бўлиниши билан аниқланади.

Маъмурий ҳудудий поғоналар бўйича ер мониторингининг тузилиши қўйидаги даражага эга:

Ўзбекистон Республикаси ер мониторинги;

қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер мониторинги;

Туманлар ва шаҳарлар ер мониторинги;

Миллий Мониторинги давлатнинг маҳсус тузилган идоралари доирасида амалга оширилади.

Минтақавий мониторинг - бирор бир йирик минтақа водий, туман доирасида ходисалар ва жараёнлар устидан кузатиш бўлиб, жараён ва ходисалар табиий тавсифи бўйича ва биосфера учун тавсифли бўлган антропогенли таъсир кўрсатишлар бўйича фарқланади. У Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳудудларидан бирини қамраб олади.

Ер эгалиги ва ердан фойдаланувчи субъект ер мониторинги;

Локал ер мониторинги (алоҳида олинган ер участкасида).

Ер мониторингнинг маъмурий худудий бўлиниши даражасига мувофиқ ер тоифаларининг қуидаги бўлимлари назарда тутилади: -қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги;

Аҳоли пунктлари ери мониторинги;

Табиатни сақлаш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий маданий таъминланиш ер мониторинги;

Ўрмон фонднинг ер мониторинги;

Сув фонднинг ер мониторинги;

Захира ер мониторинги;

Махаллий (локал) ер мониторинги минтақадан паст бўлган худуд даражарасида олиб борилади, ердан фойдаланишнинг айrim ҳудудгача ва ландшафтли экологик мажмуалар (элементлар) тузилишигача майдонни камраб олади.

Фоновий Мониторинг - бу инсоннинг таъсирига дучор бўлмайдиган ер ҳолатини кузатишдир. Уни биосфера корхоналарида ўтказадилар. Дунё минёсидаги фоновий мониторингни станцияларда кузатиш мажмуали тавсифга эга ва ягона дастур бўйича ўтказилади.

Импактний мониторинг - бу жойларда бевосита антропогенли омиллар таъсир кўрсатадиган ерни кузатишдир. Ер ҳолат ўзгаришининг келиб чиқиши бўйича эволюционли жараён даврий (суткалик, мавсумий, йиллик ёки табиат ўзгаришининг бошқа даврлари билан боғланган). Фавқулотдаги вазият (табиий ва экологик оғат ва халокатлар) билан боғлиқ; антропогенли (инсон фолияти билан боғланган), ҳолатлар натижасида ернинг миқдор ва сифатининг ўзгариши.

Ер ҳолати бўйича кузатиш даврийлиги ва муддатига боғлиқлиқда қуидагиларга бўлинади: асосий (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида объектларнинг ҳолатини қайд этиш даврийлиги (бир ва ундан кўпроқ йилдан кейин, илгариги кузатишларни тарихий тахлили).

Ер мониторинги йирик ва мураккаб, давлат миқёсидаги тадбирлар қатори ўз навбатида поғонали ва аниқ тизимли ёндашувга асосланган ҳолда ўтказишни тақозо этади.

Давлат ер тузиш ҳизмати, амалиётида қўлланиб келинаётган яхлит ер фондини тоифаларга мос ҳолда ер мониторингининг тизими қуидаги шаклий чизмада кўрсатилган:

1. Давлат ер мониторинг

Халқаро гипер ер мониторинги

2-погонали ер мониторинги тизими

Ер тоифалари бўйича:

- 2.1. қишлоқ хўжалик мақсадларидағи ерлар мониторинги;
  - 2.2. аҳоли яшаш жойларидағи ерлар мониторинги;
  - 2.3. саноат, транспорт, алона мудофаа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар мониторинги;
  - 2.4. табиатни муҳофазаси, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий аҳамиятига эга ерлар мониторинги;
  - 2.е. сув фонди ерлари мониторинги;
  - 2.6. ўрмон хўжалиги ерлари мониторинги;
- Захира ерлар мониторинги;

3-погонали ер мониторинги тизими.

- 3.1. Ер эгаликлари бўйича ер мониторинги манбалари:

- 3.1.1. жамоа хўжаликлари;
  - 3.1.2. давлат қишлоқ хўжаликлари корхоналари;
  - 3.1.3. хўжаликлараро қишлоқ хўжаликлари корхоналари;
  - 3.1.4. қишлоқ хўжалик ширкат корхоналари корпорациялари ва ташкилотлари;
- 3.1.е. қишлоқ хўжалик илмий текширув муассасалар ва ўқув юртлари;

<p>3.1.6. ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари;</p> <p>3.1.7. дехқон хўжаликлари;</p> <p>3.1.8. фермер хўжаликлар;</p> <p>3.1.9. қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишлаб чиқариш корхоналари.</p>
<p>3.2. Ердан фойдаланувчилар бўйича ер мониторинги манбалари.</p>
<p>3.2.1. аҳоли яшаш жойлари бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шахар ва шахар туридаги қишлоқлар;</li> <li>- қишлоқлар.</li> </ul>
<p>3.2.2. 2.3. -ер тоифаси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалари;</li> <li>- транспорт корхоналари. Ташкилотлар ва муассасалар;</li> <li>- алоқа турлари бўйича корхоналар;</li> <li>- энергетика соҳасидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар;</li> <li>- радио, телевидиния, информатика ва бошқа тармоқлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар;</li> <li>- мудофаа мақсадларидағи корхона ва муассасалар;</li> </ul>
<p>3.2. 2.4. –ер тоифаси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- табиатни муҳофазаси корхона ва муассасалари (кўриқхоналар ва заказнилар);</li> <li>- соғломлаштириш ташкилотлари ва муассасалари;</li> <li>- рекреацион аҳамиятидаги муассасалар;</li> <li>- тарихий-маданий ёдгорликлар;</li> </ul>
<p>3.3. 2.4. –ер тоифаси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- табиат муҳофазаси корхона ва муассасалари (кўриқхоналар ва заказнилар);</li> <li>- соғломлаштириш ташкилотлар ва муассасалар;</li> <li>- рекреацион аҳамиятидаги муассасалар;</li> <li>- тарихий, маданий ёдгорликлар.</li> </ul>

3.4. 2.е. –ер тоифаси бўйича.

3.е. 3.6. –ер тоифаси бўйича.

3.6. 2.7. –ер тоифаси бўйича.

Республика ҳудудида расмий равища белгиланган иқтисодий географик ҳудудлар бўйича минтақавий мониторинг ва экологик ландшафт, алоҳида ҳудудий хусусиятга эга бўлган ер эгалиги, ердан фойдаланувчи даражасигача ҳамда маълум ер майдони бўлаги учун ҳам алоҳида (локал) ер мониторингини ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ер мониторинги Орол денгизи минтақаси, Амударё, Сирдарё ҳавзалари, йирик тоғлар минтақаларигача кирувчи халқаро аҳамиятга молик дастур – лойихаларни ишлаб чиқиш жараёни таркибида ҳам Ўзбекистон Республикаси гипер ер мониторинги ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Ерларни ҳолатини аниқлаш ишлари муддат ва ўтказиш вақтига нараб 3 гурухда олиб бориши тавсия этилади;

Ер мониторингини бошлишгача бўлган даврдаги дастлабки бирламчи асос маълумотлар;

Муддатли (бир йил ва ундан ортиқ муддатда ўтказиладиган) кузатишлар;

Жорий (навбатчи) ёки мавсумий (ойлик, мавсумий ёки бир йилгача бўлган) кузатишлар.

Бирламчи маълумотлар бевосита ер турлари, ер майдонлари, далалардаги кузатишлар натижасида олиниб, туманлар, шахарлар, вилоятлар, минтақалар, қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси бўйича умумлаштирилади. Умумлашган маълумотлар белгиланган муддатда иилига бир марта Республика Вазирлар Махкамасига аниқ таклиф, тадбир ва хулосалар билан «Узгеокадастр» томонидан тайерланиб топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирламчи, муддатли ва жорий ер мониторинг ишлари туман ва шахар ҳокимиятлари қошидаги ер тузиш ва ер кадастри ишчи гурухлар ходимлари томонидан бажарилади.

## 1.2. Ер мониторингини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ табиий обьектлар, жумладан ер, умумхалқ бойлиги ва улар давлат муҳофазасида туради.

Республикамиз кейинги йилларда ўзига хос ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маданий ва бошқа йўналишларда сезиларли ютуқларга эришди. Бунда зарур қонунларнинг ишлаб чиқилганлиги, иктисодий ва сиёсий соҳаларда мамлакатимизга мос ва ўзига хос йўналишлар танлаб олинганлиги бош омил бўлди. Хусусан. қабул қилинган «Ер кодекси», «қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида», «Давлат ер кадастри тўғрисида» ва «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунлари ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва республика иктисодий салоҳиятини янада ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Ерни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланиш аввалам бор унинг ҳуқуқий негизи қай йўсинда ишлаб чиқилганига боғлиқдир. Ер тушунчаси ўзбек тилида ва фаннинг турли соҳаларида турлича маъно англатиб, у планета, планетамизнинг энг устки қобиғи, тупроқ қатлами грунт, маҳаллий жой, худуд, мулкчилик обьекти, фойдаланиш, ижарага олиш, ва қолаверса табиий муҳитнинг бирон бир обьекти сифатида қаралади. Машхур рус ҳуқуқшунос олими В.В. Петровнинг (1995) таъбири билан айтганда ернинг ҳуқуқий маъноси деганда биз планетамизнинг энг устки унумдор қобиғини тушунмоғимиз керак экан. Лекин, ер шарининг энг устки унумдор қобиғи тупроқшунослик фанида тупроқ деб аталиши бизларга маълумдир. Тупроқнинг тоғ жинсларидан фарқи ҳам унинг унумдорлигидадир. Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги қонунига кўра фойдаланиш ва

мухофаза қилиш керак бўлган ер объектига тошликлар, қумликлар, шўрхоклар ҳам киради. Улар ҳам фойдаланиш ва ҳам мухофаза қилиниши керак бўлган табиий ресурслардан биридир. Ундан ташқари ер ости бойликлари ҳукуқшуносликда алоҳида бир табиий объект сифатида қаралади.

Табиат мухитини мухофаза қилиш бўйича, мониторинг атроф мухитдаги табиий объектларни кузатиш ва уларнинг ҳолатини назорат қилишга қаратилган давлат хизмати томонидан амалга оширилади. Мониторинг натижалари атроф мухитни комплекс баҳолаш ва унинг ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишида фойдаланилади.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини ва сифатини қузатиб туриш тизимидан иборат.

Ер мониторингини юритишининг ҳукукий асоси Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистонда агротехнологияни бўйича қонун ҳужжатларида, Ўзбекистонда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ҳукумат баённомалари ва 2005 йилга қадар табиатни мухофаза қилишининг асосий йўналишлари билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 июль 1992 йил №491 "Ер мониторинги тўғрисидаги" ҳукумат баённомасида ер мониторингининг асосий вазифалари аниқлаш берилган.

5 февраль 1993 йилги №100 ҳукумат баённомасида эса "Ўзбекистон Республикасининг ер мониторинги давлат дастури" тасдиқланган ва ер мониторинги бўйича қатор аниқ тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги «Ер мониторинги тўғрисида» ги низоми ҳам қонунларни ҳаётга бевосита тадбиқ этишда катта аҳамиятга эгадир.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги гидрометерология Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат биология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манбаатдор вазирликлари ва идорлари иштирокида амалга оширилади. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ер мониторинг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан манбаатдор Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқарилган ва тасдиқланадиган ягона услугуб олиб борилади, бу услугуб ерларнинг ҳолатини тезкор ва мунтазам кузатишларни амалга ошириувчи, тадқикотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий хисобланади.

Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан катъий назар ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг ҳолатини кузатувчи корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ер ресурслари бўйича тегишли хизматларга уларнинг ваколатлари доирасида ерларнинг миқдор ва сифатловчи ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ер мониторинги ва давлат ер кадастри бўйича ахборотлар киритиш учун кўрсатилган ишлар бўйича материалларнинг нусхаларни текин беради.

Ўз навбатида ер ресурсларини бўйича хизматларни, ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг ҳолатини кузатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларнинг сўровига биноан зарур материалларни текин берадилар.

Ер мониторинги ягона классификаторлар, кодлар, метрик бирлик тизими, маълумотларнинг стандарт форматлари ва меъёрий -техник база, координаторлар ва баланддиклар давлат тизимига асосланган турли хил маълумотларнинг бир-бирларига мослиги тамойилига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш комитетининг «Ўзбекистон Республикасида Ер Мониторинги Услубини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги услубини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш комитети қарор қабул қилди.

Бу услугб Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш комитетининг 2001 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган. Ушбу услугб тадқиқот, лаборатория, камерал ишларни амалга оширишда қўлланма бўлиб, у бажариладиган ишларни ўрганиш, умумлаштириш, тартибга солиш ва автоматлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги муҳтор республика, вилоятлар ер фондининг ҳолати тўғрисидаги ахборотлар, ҳисоботлар, илмий

прогнозлар, докладлар кўринишида расмийлаштирилади ва вақти-вақти билан маҳсус нашриётларда эълон қилинади. Ер мониторинги бўйича ишларини кординациялаштириш ва раҳбарлик қилишни Ўзбекистоннинг ер кадастри федерал хизмати амалга оширади. Ер мониторинги маълумотларидан фойдаланувчилар давлат органлари, Ўзбекистон ер кадастрининг федерал ҳизмат, мунициал бошқарув органлари, ва унинг фаолияти ердан фойдаланиш билан боғланган жойлардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа идоралар, айрим фукаролар, халқаро ва чет эл органлари атроф муҳитни муҳофага қилиш, ердан фойдаланиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Ер Мониторинги бўйича ишларни янада ривожланиши учун ер мониторингининг ахборот ва технологик базасини яратиш зарур. Уни Ўзбекистон ҳудудида зонд билан масофали текширишни ер устида кузатиш билан техникавий воситаларни қўллаш орқали, Ўзбекистон ерларида салбий жараёнлари бартараф қилиш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва реализация қилишни таъминлаш тадбирларини босқичмабосқич ташкиллаштириш мумкин.

Шундай қилиб, ернинг ҳуқуқий маъноси унинг бирон бир аниқ фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг маълум бир чегарасини белгилаб бериши керак. Ҳуқуқий маънода тупроқ-сайёрамизнинг энг устки алоҳида бир табиий обьекти бўлиб, унинг қалинлиги ердан фойдаланувчи субъектларнинг ернинг ҳолатига таъсир этиш даражасига қараб табақалашган ҳолда бўлади.

Ер мониторингини ўтказишнинг амалдаги услублари.

Тупроқ тадқиқотлари ва маълумотларни тузатиш. Тупроқлар амалий тадқиқотлари мониторинг тизимида ёрдамчи бўғин бўлиб, у бирламчи тупроқ тадқиқотларини ва маълумотларни тузатишни назарда тутади, ҳамда дала тадқиқотлари ва камерал ишлар республикада бор бўлган ва амалдаги кўрсатмалар ва услугбий қўлланмалар талабларига мувофиқ бажарилади. Амалий тадқиқотларни ўтказишдан мақсад, тупроқ қопламининг замонавий

холати ва табиий-антропоген омиллар таъсирида ўзгаришлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни олиш ва қайта ишланган дала ва аналитик маълумотлар асосида тегишли хариталар, харитаграммалар тузиш ва уларга тушунтириш хатлари ёзишdir.

қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларида сув, суғориш ва шамол эрозияларининг локал ривожланиши мониторинги. Сув, суғориш ва шамол эрозияларининг ривожланиши мониторинги, тупроқ ва тупроқ-эрозия тадқиқотлари маълумотларига асосланади ва масофали, ер устида ва аралаш усулларда амалга оширилади. Тупроқларни сув, суғориш ва шамол эрозиялари ривожланишига учраш даражасига кўра ажратиш диагностика кўрсаткичлари бўйича тегишли кўрсатмаларга мос равища амалга оширилади. Шамол эрозиясининг ривожланишини башоратлаш турли механиқ таркибли тупроқларнинг дефляцияга чидамлилиги даражасига таянади. Сув ва суғориш эрозияларининг ривожланишини башоратлаш эса тупроқнинг механиқ таркиби, чириндилилигига таянади, бунда ёнбағирнинг экспозицияси, узунлиги, қиялиги эътиборга олинади.

қишлоқ хўжалиги ерлари туз режимининг локал ўзгариши мониторинги.\_Шўрланган тупроқларни миқдор ва сифат жихатидан хисобга олиш ва мониторингини ўтказишида дастлабки маълумотлар сифатида йирик масштабли тупроқ текширишлари ва тупроқ туз тадқиқотлари маълумотлари хизмат қиласи. Шўрланган суғориладиган ва кўриқ тупроқларнинг тарқалиш ареали ва шўрланиш даражаси ўзгаришлари мониторинги дала усулида амалга оширилади. шурф ва скважиналар сони съемка масштаби билан чегараланади, намуна олиш усули ва тупроқ горизонтлари сони эса шўрланиш характери билан белгиланади. хисоблар «шўрланган ерларни сифат ва миқдорий хисобга олиш услуби» (тошкент, 2000) асосида ўтказилади. Тупроқ шўрланишига оид аниқланган ўзгаришлар харита-плорда тасвирланади ва тушунтириш хатида ёритилади, ишнинг услуби ёритилади ва тупроқ туз режимидаги ўзгаришлар таҳлили берилади. Суғориладиган тупроқлар туз режими ўзгаришлари мониторингини амалга

оширишда тупроқнинг шўртбланиш эҳтимолини назорат қилиб бориш лозим.

қишлоқ хўжалиги ерларининг оғир металлар ва токсик элементлар билан локал ифлосланишини мониторинги. Оғир металлар ва токсик элементлар миқдори мониторинги учта ўзаро боғланган фаолиятдан ташкил топади:

а) оғир металлар ва токсик элементлар миқдорини тупроқда, атмосферада ва сув манбаларида кузатиш;

б) тупроқлар, атмосфера ва сув манбаларининг оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланиши даражасини баҳолаш;

в) тупроқларда, атмосферада ва сув манбаларида оғир металлар ва токсик элементларнинг келажакдаги миқдори башоратини тузиш;

Тупроқларнинг оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланиш жадаллигини назорат қилиш, текшириш худуди табиий шароитини ўрганиш билан биргаликда олиб борилади ва бу ишлар қўйидаги уч даврда бажарилади: тайёргарлик, дала ва камерал.:

1) тайёргарлик даврида табиий шароитларни тавсифловчи нашр этилган маълумотлар тўпланади ва бир тизимга туширилади, ифлослантирувчи манбалар борлиги ҳақидаги маълумотлар йиғилади.

2) дала тадқиқотларидан олдин худуд аниқлик киритиш учун айланиб чиқилади. Ифлосланиш зоналари ажратилади, шамол «гули» бўйича йўналишлар профили, экологик майдончалар ва таянч кесмалар жойи белгиланади. Муайян шароитларга боғлиқ ҳолда тупроқнинг оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланганлик харита ва картограммалари тузилади. Бунда тупроқни оғир металлар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаш учун дала тадқиқотлари, харита ва картограммалар қўйидагича тузилади:

а) полигонларда 1:25000-1:50000 масштабда;

б) стационарларда 1:10000-1:25000 масштабда;

в) экологик майдончаларда 1:1000-1:5000 масштабда.

Дала тадқиқотлари ва тупроқларнинг оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланишининг дастлабки хариталарини тузиш учун масштаби дала тадқиқотлари масштабига мос келувчи тупроқ харитаси хизмат қилади. Тупроқ харитасига шамол «гули» контури, ифлосланиши мумкин бўлган зоналар, маршрутлар (профиллар) тармоғи туширилади. Тупроқнинг морфологик тузилиши, физик-кимёвий хусусиятларини тавсифлаш учун тупроқ кесмалари туширилади. Кесмалар чуқурлиги 1 метр. Лаборатория тахлиллари ўтказиш учун хар 10 см дан тупроқ намуналари олинади. Оғир металлар ва токсик элементларнинг тупроқдаги миқдори тўғрисида ишончли маълумотлар олиш учун тупроқ намуналарини олишда, сақлашда ва транспортировка қилишда ифлосланишдан сақловчи шароитлар яратилиши зарур. Йўл четиларидан (автомобил ва темир йўл таъсири остидаги зоналардан) тупроқ намуналари чизиқли маршрут бўйича рельефи, тупроғи, ўсимликлари ва намлигини хисобга олган ҳолда олинади. Тупроқлар оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланиш даражасига кўра қуидаги ажратилади:

- a) ифлосланмаган (оғир металларнинг чегараланган концентрациясидан (ЧК) кам);
- б) мўътадил ифлосланган тупроқлар (оғир металларнинг концентрацияси ЧК га teng);
- в) ифлосланган тупроқлар (оғир металлар концентрацияси ЧК дан кўп).

Дала ва лаборатория тадқиқотлари натижасида қуидагилар тузилади: тупроқнинг оғир металлар ва токсик элементлар билан ифлосланганлиги харитаси (харитограммаси), тушунтириш хати ва тупроқ паспорти.

қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларининг техноген деградацияси мониторинги. Тупроқларнинг техноген деградацияси мониторинги ерлардан фойдаланиш динамикасини бир тизимга келтирилган режимли кузатувлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Дала ишлари материаллари асосида қишлоқ хўжалик ерлари техноген деградацияси хариталари (харитограммалари) ва бузилиш турлари ва даражалари бўйича майдонлари ведомости тузилади, шунингдек қисқача тушиқтириш хати ёзилади.

Нефть маҳсулотлари билан тупрқларнинг локал ифлосланиши мониторинги. Нефть қазиб олиш ҳудудларининг санитар-химоя зонасида ва саноат майдончаларида тупроқнинг ифлосланишини назорат қилиш тупроқ намуналарини лабораторияда анализ қилиш орқали амалга оширилади. Лаборатория анализлари учун тупроқ кесмалари сони, намуналар сони ва чуқурлиги тадқиқот дастурида белгиланиб, ифлослантириш манбаидан турли узоқликда шамол «гули»га мос ҳолда олинади. Ажратиб олинган тупроқ намуналарида оғир металлар ва токсик моддалар, бром, йод, фтор, бор, олтингугурт, нефть маҳсулотлари ва юзадаги фаол моддалар аниқланади.

Лаборатория тадқиқотлари натижалари тушунтириш хатида жадваллар, графиклар, диаграммалар тарзида ёритилади.

Ўсимликларда оғир металлар ва токсик моддалар тўпланиши мониторинги. Ўсимликларнинг оғир металлар ва токсик моддалар билан ифлосланиши даражаси ва динамикасини аниқлаш учун, ҳар бир ўсимлик туридан алоҳида намуналар олинади. Бунда албатта ўсимликларнинг ривожланиш фазаси кўрсатилади, чунки вегетация даврида оғир металлар ва токсик моддалар миқдори ўзгариб боради.

Қишлоқ хўжалигига ерлари тупроқларининг пестицидлар ва гербицидлар билан ифлосланиши мониторинги. Тупроқларнинг пестицидлар ва гербицидлар билан ифлосланиши мониторинги режимли дала, лаборатория ва камерал тадқиқотларда амалга оширилади, бунда уларнинг миқдори аниқланади. Тупроқларнинг пестицидлар ва гербицидлар билан ифлосланиши мониторингида намуналар олиш нуқталари сони тадқиқотлар масштабини ва ер участкаси тузилиши категориясини эътиборга олган ҳолда иш дастурида белгиланади.

Тадқиқотлар натижалари асосида тупроқларнинг пестицидлар ва гербицидлар билан ифлосланганлиги харитаграммаси, уларнинг ҳавфлилик синфини кўрсатган ҳолда тузилади ва тушунтириш ҳати ёзилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг минерал ўғитлар қолдиқлари билан ифлосланиши мониторинги. Оғир металлар ва фтор микдори мониторинги фосфорли ўғитлар қўлланилган ёки қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги ерларида, шунингдек бу ўғитларни тайёрловчи-заводлар таъсир доирасидаги худудларда амалга оширилади. Ҳаддан ортиқ минерал ўғитлар қўлланилган тупроқлар ифлосланганлиги мониторинги дала, лаборатория ва камерал тадқиқотлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тупроқларга кесмалар тушириш тартиби ва тупроқ кесмалари сони, уларнинг чуқурлиги, намуналар олиш ва сақлаш амалдаги кўрсатмалар асосида аниқланиб, олинган натижалар асосида тушунтириш хатида ёритилади ва харитада акс эттирилади.

Ер мониторингини ўтказиш услубларини такомиллаштириш.

Ер мониторингини ўтказиш услубларини такомиллаштиришда тупроқ мониторингини ташкил этиш ва калит майдонлари тизимини жойлаштириш мақсадида олиб бориладиган тайёргарлик босқичида тупроқ, тупроқ-мелиоратив, тупроқ-эрозия ишлари бўйича ўтган давр мобайнида бажарилган изланишлар, лаборатория тадқиқотлари маълумотлари хисобга олинади, умумлаштирилади, таҳлил қилинади. 2 ва ундан ортиқ тур изланишлари маълумотлари мавжуд ҳолларда кўп тарқалган тупроқларни танлашда устиворлик йирикроқ масштабда бажарилган съемка ишларига берилади, агарда улар teng қийматли бўлса замонавийларига берилади вилоят ерларини тасарруф қилиш ва ерлардан фойдаланиш схемасида тупроқ маълумотлари мавжудлиги картограммаси тузилади.

Ҳар бир калит майдони ушбу табиий ва қишлоқ хўжалик ландшафти учун типик бўлган тупроқ хилини мужассам этиши керак. калит

майдонларини танлаш ушбу ҳудуднинг геоморфологик тузилишини ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишини эътиборга олган ҳолда тупроқ-иқлимий районлаштирилиши асосида қуидаги ерлар учун танланиши лозим:

- а) суғориладиган ҳайдалма ер (илгари экилган қўриқ ер билан) – 7 доминант;
- б) лалмикор ҳайдалма ер (илгари экилган қўриқ ер билан) – 5 доминант;
- в) табиий пичанзорлар (яйловлар) – 3 доминант.

Тупроқ хилларининг тарқалиш майдонларини кўрсатувчи манъба сифатида тупроқ хариталари ва уларга илова қилинган тушунтириш хатлари хизмат қиласди. Энг кўп тарқалган тупроқ хили (доминант) маълумотлари уларнинг умумий майдонлари ва салмоғи кўрсатилган ҳолда ҳар бир ер тури (угодъя) бўйича жадвалга киритилади. Жадвалдаги маълумотлар асосида вилоят бўйича тупроқ хилларининг жаъми майдони аниқланади, шу асосда тупроқ доминантлари сони аниқланади ва калит майдонлари жойлашувиининг дастлабки тармоғи белгиланиб, вилоят харита-асосига туширилади. Тупроқ харитасидан доминант тупроқлар жойлашган қисмлари кўчириб олинади. Натижада вилоят етакчи тупроқ доминантларида калит майдонлари жойлашувиининг тахминий жойлари белгиланади ва кейинчалик стационар экологик майдончалар (сэм) жойлаштириладиган нуқталар аниқланади, қолган тупроқ доминантларида яримстационар экологик майдончалар (ясэм) жойлаштирилади.

Тупроқ, агрокимёвий, иқлимий кўрсаткичларининг тўлиқ мажмуини кузатиш учун жойлаштирилган илмий кузатувлар тармоғини ҳудудда (регионда) жойлашган кўп йиллик режимли кузатувлар олиб борувчи тажриба майдонлари, нав майдонлари, ити тажриба далалари, метеостанциялар, метеопостлар, гидропостлар ва бошқа стационар кузатув майдонлари билан мувофиқлаштириш зарур.

Калит майдонча ҳажми 100 гектарга teng бўлиши керак. ҳар бир калит майдончасида тупроқни ҳар томонлама текшириш жараёнида режимли

кузатувлар учун 1дан 3 тагача майдони 1 гектардан кам бўлмаган, ҳар қандай тузилишга (конфигурация) эга стационар экологик майдончалар ажратилади. Яримстационар экологик майдончалар сони ҳар бир зонада геоморфологик районлар сонига тенг бўлиши лозим. Тупроқ параметрларининг йўналиши ва жадаллигининг вақт мобайнида табиий-тарихий ривожланиш ва инсон таъсирида ўзгаришларини аниқлаш учун ҳар бир энг кўп тарқалган тупроқ хили бўйича, охирги йилларда ўtkазилган тадқиқотлар натижасида аниқланган, маълумотлар ёзилади.

Ҳар бир етакчи тупроқ тури бўйича физик-кимёвий, сув-физикавий ва морфологик хоссалари мажмуасининг маълумотлари жадвалга кўчириб ёзилади. Ҳар бир етакчи тупроқ турининг назорат қилинаётган барча параметрлари кўрсаткичларининг ўртача арифметик қийматлари генетик горизонтлар ва керакли қатламлар учун ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаб чиқишлиар тупроқ тадқиқотларининг ҳар бир даври учун алоҳида ўтказилади. Даврлар қўйидаги вақт муддатлари билан чегараланади: 1971 йилгача, 1971-1980 йиллар, 1980 йилдан кейинги йиллар.

Бир хил услублар билан аниқланган кимёвий анализ натижалари математик ишловдан ўтказилиб, улар асосида маълум вақт (мониторинг ўтказиш бошлангунча) ичida назорат қилинаётган тупроқ параметрлари мажмуаси динамикасининг якуний жадвали тузилади. Ҳар бир ҳисобга олинаётган қатлам учун динамиклик проценти ҳисоблаб чиқилади. Вақт давомида тупроқ параметрларининг энг юқори ифодаланган ўзгаришлари диаграмма шаклида кўрсатилади. Ҳар бир табиий – маъмурий бирлик учун тупроқ маълумотларининг умумлаштирилган ва таҳлил қилинган натижалари бўйича қўйидаги режа асосида тушунтириш хати тузилади:

Муқадима (Ишнинг буюртмачиси, мақсади, вазифалари, фойдаланилган материаллар, тупроқ съмкаси турлари, тадқиқот ўтказилган сана, ишни бажарувчи ташкилотлар, сеъмка ишлари услублари ва бошқалар кўрсатилади).

Кисқача умумлаштириш ва материалларни таҳлил қилиш услуби.

Табиий шароитлари (геоморфологияси, рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари, гидрографияси, гидрогеологияси, иқлими, ўсимликлар дунёси ва бошқалар).

Худудни тупроқ-иқлимий районлаштириш.

Тупроқнинг генетик-эволюцион қайта шакланишини, тупроқ қатламлари структурасидаги ва юқорида санаб ўтилган тупроқ параметрлари асосий кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш мақсадида тадқиқотларнинг турли даврларидағи (1971 йилгача, 1971-1980 йиллар, 1981 йилдан кейин) тупроқ материалларининг қиёсий таҳлили. Тадқиқотларнинг охирги даврлари натижалари бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказилиши керак бўлган тупроқ доминантлари ажратилади.

Доминант (етакчи) тупроқлар тавсифи. Тупроқлар генезиси ва уларнинг морфологик тузилиши баён этилади, шунингдек мониторингни ўтказиша назорат қилинадиган асосий тупроқ параметрлари кўрсаткичлари келтирилади. Тупроқларнинг тарихи ва ўзлаштирилиш даври, алмашлаб экиш турлари, етиштирилаетган экинлар ва уларнинг ўтмишдошлари, тадқиқот даврларидағи (1971, 1971-1980, 1981 дан кейин) қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, қўлланилаётган агротехник тадбирлар ва бошқалар кўрсатилади.

Хулоса қисмида барча ўрганилган доминант тупроқ турларида содир бўлган ўзгаришларнинг жадаллиги ва йўналишлари ва уларнинг сабаблари кўрсатиб ўтилади, шунингдек тупроқ экологияси ва унумдорлигини белгиловчи тупроқ кўрсаткичларини мақбуллаштириш бўйича дастлабки тавсиялар берилади.

Дала тадқиқотлари даври икки босқичдан иборат бўлади:

1) тупроқ жараёнларининг ривожланиши ва трансформациясига таъсир кўрсатувчи хосса ва хусусиятларининг ва омилларнинг дастлабки (мониторинг бошланиши давридағи) ҳолатини ўрганиш назарда тутилади. биринчи босқич натижалари кўп йиллик режимли кузатувларни олиб боришнинг дастлабки базаси бўлиши керак.

2) тупроқ ва экологик кўрсаткичлар комплекслари бўйича кўп йиллик режимли кузатишлардан иборат.

Дала тадқиқот ишлари табиий-қишлоқ хўжалик шароитлари комплексида калит майдонлар жойларининг тўғри танланганлигини уларнинг типик эканлигини аниқлаш мақсадида танланган худудда рекогностировка – кузатув тадқиқотларидан бошланади. Калит майдонларини жойлаштириш ўринлари – тупроқ контурларининг максимал майдонлари таҳлил қилинадиган тупроқ кесмаларининг етарлича миқдори мавжудлиги, тадқиқот даврлари сони билан асосланади. Танланган калит майдонларини жойлаштириш ўринлари хўжаликлар раҳбарияти, ер ресурслари туман бошқармалари билан келишилиб, майдонларни танлаш акти тузилади. Калит майдонларидағи тупроқ тадқиқотлари топографик съемкалар, фотопланлар, контактли аэросуратлар материаллари асосида «давлат ер кадастри мақсадлари учун тупроқ тадқиқотлари ва тупроқ хариталарини тузиш қўлланмасига» (тошкент, 2000) мувофиқ ўтказилади.

